



ШАХСНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИНИНГ ЎРНИ.

Шаймуродов Нурмамат Тўйчиевич
Хожиев Хайрулла Ғуломқодирович
Мамаджанов Султанали Исломалиевич

*Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик
ва биотехнологиялар университети Тошкент филиали*

Эл. почта: xgxaqr@gmail.com

Тел: (90) 127-66-09

Аннотация: Ушбу мақолада масофавий таълимни йўлга қўйишнинг аҳамияти, долзарблиги, шахсни ривожлантирувчи электрон курслар ўрни ва уларни ташкил этиш бўйича сўровнома мазмуни берилган. Бундан ташқари мақола давомида ўтказилган сўровнома натижалари таҳлили батафсил ёритиб берилган.

Калит сўзлар: масофавий таълим, электрон курс, шахсни ривожлантириш.

Аннотации: данной статье приведены важность и актуальность организации дистанционного образования, роль электронных курсов для развития личности и содержание опроса. Кроме того, в этом статье поясняется анализ результатов опроса.

Ключевые слова: дистанционное обучение, электронный курс, личностное развитие.

Кириш. Шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги даврда шахснинг дунёқараши, қизиқиши ўзгариб боради. Маҳаллий шароит, техника ва технологияларнинг доимий янгиланиб бориши, ташкилотларда амалга ошириладиган ислохатлар ҳамда кучли рақобат муҳити ҳар қандай мутахассисни доимо ўз устида ишлашга, билим базасини бойитиб боришга ундайди. Шундай экан ҳар қандай ходим ҳар доим нафақат ташкилотдаги ўз ўрнини сақлаб қолиши, балки янада кареравий ўсиш чораларини кўриб бориши лозим бўлади. Бундан ташқари шахсий эҳтиёжларнинг ортиб бориши натижасида қўшимча фаолият тури билан шуғулланиш зарурати ҳам туғилиши мумкин. Бунинг учун ҳар бир ўзини ҳурмат қиладиган шахс “Ҳаёт давомида таълим” принципига амал қилган ҳолда ўз малакасини тез-тез ошириб туриши, янги техник ва технологик ўзгаришлардан биринчилардан бўлиб хабардор бўлиши, янги соҳалар бўйича билимларни эгаллаб бориши лозим. Бундан ташқари турли методик, психологик ҳамда шахсни ривожлантирувчи тренингларда иштирок этиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай курсларда жонли иштирок этиш, малакали мутахассисларнинг қимматли фикрларини тинглаш, туғилган саволларга улардан тегишли жавобларини олиш ҳамда





янги технологик жараёнларни амалиётда қўллаб кўриш орқали кўзланган мақсадга тўлақонли эришиш мумкин албатта.

Лекин ишдан ташқари бўш вақтинг камлиги, функционал вазифаларнинг кўплиги, ўқиш учун кўп ҳаражатлар талаб этилиши, оиладаги ташвишлар ва бошқа кўзда тутилмаган объектив ва субъектив сабаблар орқали малака ошириш курсларга қатнаш имкони бўлмайд қолади.

Инсон ўрганиш, ўсиш учун ўзидаги имкониятлардан максимал даражада фойдаланиши лозим. Ҳозирги кунда бошқа соҳалар каби таълим соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Эндиликда малакамизни ошириш учун вақт топиб, қаергадир қатнашимиз шарт эмас. Рақамли таълим тизими барча соҳаларни ўзида қамраб олмоқда. Ҳозирги кунда ўзингиз хоҳлаган пайтда, хоҳлаган йўналишда, сиз хоҳлаган тилда онлайн таълим олиш имкониятига эгасиз. Бунда турли соҳалар, турли мавзулар бўйича тайёрланган электрон курслар таълим олишнинг асосий омили бўлиши мумкин. Мутахассисларнинг малакавий ривожланишида бундай курсларнинг ўрни ниҳоятда каттадир.

Курсларни ташкил этишда энг аввало тингловчиларнинг ҳошиш ва истакларни эътиборга олиш лозим бўлади. Бунда энг муҳими бундай курсларни қандай ташкил этиш, уларнинг шакли қандай бўлиши, куннинг қандай маҳалларида курсни ўрганишга тингловчининг вақти бўлади ҳамда курсларни ўзлаштиришда қандай визуал элементлардан фойдаланиш бўйича саволнома тузиб чиқилди. Бунга кўра 5 та бўлим ва 40 та саволдан иборат тўплам ишлаб чиқилиб, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар унверситети Тошкент филиали профессор-ўқитувчилари ўртасида сўровнома ўтказилди.

Ушбу сўровномани ўтказиш орқали биз нафақат профессор-ўқитувчиларнинг шахсий қизиқишларини ўрганишни, балки жамоанинг умумий фикри ва қарашларини ўрганган ҳолда келгусида электрон курсларни ташкил этишда қандай жиҳатларга эътибор қаратиш лозимлигини ўзимизга мақсад этиб олдик.

Сўровномада Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар унверситети Тошкент филиалидан 59 нафар асосий штатларда ишловчи профессор-ўқитувчилар иштирок этдилар. Сўровнома учун 5 та бўлимдан иборат 40 та савол тайёрланди. Булар қуйидагилар:

Сўровномада қатнашган профессор-ўқитувчиларнинг электрон курсларни ташкил этиш бўйича фикрлари қуйидагича бўлди:

“Куннинг қайси пайтида электрон курсларни ўрганиш сиз учун қулай?” деган саволга 9% иштирокчи кундузи, 25 % кечки пайтни ва энг кўп-66% эрталабки пайтни қулай деб фикр билдирган. Демак, аксарият тингловчилар куннинг 1-қисмида керакли курсларни ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашар экан.





“Масофавий таълим олишда сизга ишхона қулайми ёки уй?” деган саволга танловлар соннда деярли тенглик бўлган. Бунда иштирокчиларнинг 31% га ишхонада, 37% га уйда ўрганиш қулай бўлса, 32% га эса қаерда туриб электрон курсни ўзлаштиришнинг аҳамияти йўқ экан.

Уйдан туриб курсни ўрганишнинг авзалликлари тўғрисидаги саволга энг кўп иштирокчилар “Кўшимча материалларни ўрганиш ва қийин жойга келганда тўхтатиш имкониятининг мавжудлиги” деган бандни белгилаганлар. Бу умумий иштирокчиларнинг 23% ини ташкил этган.

“Уйдан туриб масофавий таълим олишнинг қийинчиликлари” деган саволга 28 % иштирокчи техник носозликларни бартараф этиш имкониятининг пастлигини асосий муаммо сифатида кўрсатишган.

“Уйдан туриб масофавий таълим олишнинг қандай шакли сиз учун мақул келади” деган 5-саволга 34% иштирокчи асинхрон (ёзиб олинган) тарзда ташкил этиладиган курсларни, 28% иштирокчи эса синхрон (жонли) тарзда ташкил этиладиган курсларни мақбул деб ҳисоблашган. Сўровнома қатнашчиларининг 34% га эса курс шаклининг фарқи йўқ эганлигини маълум бўлди.

“Ишдан ташқари пайтларда сиз қандай кўникмаларга эга бўлишни хоҳлар эдингиз?” деган саволга ходимларнинг энг кўп-23% “Кареравий ўсиш”ни белгилашган. Демак жамоа аъзолари аксариятининг асосий мақсади ўз устларида ишлаб, кареравий ўсишга эришиш эканлиги аниқланди.

“Электрон курс вақти қанча бўлиши керак?” деган савол бўйича 7% иштирокчи фикрига кўра 30 дақиқадан камроқ, 29% га 1,5 соатдан кўпроқ, 31% иштирокчи 30 дақиқадан 1 соатгача ҳамда энг кўпчилик фикрига кўра (33%) электрон курс давомийлиги 1 соатдан 1,5 соатгача бўлиши лозимлиги аниқланди.

“Сиз керакли маълумотларни олиш ёки билимларингизни янада мустаҳкамлаш учун ўтилган курсга қайтадан кирасизми?” деган саволга иштирокчилар 16% жуда кам ҳолларда, 19% баъзан, 21% ҳеч қачон ҳамда энг кўп-44 % иштирокчи ҳар доим кириб ўрганилган материалларни мустаҳкамлаб боришлигини билдириб ўтишган.

Кўшимча таълим олиш вақтини белгилаш бўйича энг кўп 39% иштирокчи ишдан ташқари вақтга режалаштириш авзаллигини билдиришган.

Курсни ўрганиш вақти ва кунлар оралиғи бўйича берилган саволга иштирокчиларнинг энг кўпи курсни қисмларга бўлган ҳолда 20-40 минутдан 2-3 кун ичида ўзлаштириш муҳимлигини билдиришган.

“Курсларни ўзлаштириш жараёнида мобил қурилмалардан фойдаланасизми?” деган саволга энг кўп (34%) иштирокчи мобил қурилмалардан курсни ўрганиш жараёнида фойдаланмасликларини билдиришган.

Курсларни ўзлаштириш даврида тингловчилар ҳаракатини ўрганиш бўйича берилган саволга 37% иштирокчи экрандаги керакли жойларни





скриншот қилиш ҳамда 36% иштирокчи эса керакли маълумотларни бланкетга қайд этиб бориш лозимлигини билдиришган.

“Курс якунлангандан сўнг нимани хоҳлар эдингиз?” деган саволга иштирокчиларнинг 11 % ўтилган материалнинг электрон ҳаволасини олишни яна шунча фоизи қўшимча маълумотлар рўйхати зарурлигини ҳамда 40% иштирокчилар эса курснинг тўлиқ материалларини юклаб олиш ҳамда сақлаб қўйишни макул қўришган.

“Курсни ўрганишда сизни асосан нима чалғитади?” деган саволга тингловчиларнинг асосий важ келтирган фактор бу- телефон қўнғироқлари эканлиги маълум бўлди.

Ходим меҳнат қилаётган ташкилотда ташкил этиладиган курсларга қандай тарзда аъзо бўлиш мумкинлиги ҳақидаги саволга иштирокчиларнинг энг кўп-28 % мобил иловалар орқали эканлигини билдиришган.

Электрон курсларга аъзо бўлишнинг энг мақбул йўли бўйича берилган саволга ҳам энг кўп -“мобил иловалар” жавоби белгиланган.

Сўровномада берилган кейинги саволга иштирокчиларнинг фикрига кўра **курсни ўрганиш жараёнида энг муҳими** бу- экспертлар ёрдами зарур ҳисобланар экан.

“Электрон курсларни ўрганишда сиз учун муҳими нима?” деган саволга энг кўп иштирокчилар курсларда реал вазият ва муаммоларни акс эттирувчи машқ ва топшириқлар ҳамда видеоматериалларнинг мавжудлигига эътибор қаратганлар.

Электрон курсларни ўрганиш даврида қўшимча мотивация берувчи омил сифатида аксарият (42%) иштирокчилар бажарилган ишлар натижасини қўришни 1-ўринга қўйганлар.

“Сиз кўпроқ ўзингиз танлаган ва эҳтиёж талаб этадиган курсларда ўқиб, камроқ мажбурий тайинланган курсларни ўзлаштиришни хоҳлар эдингизми?” деган саволга 45% иштирокчилар айрим тайинланган курсларни ўрганишни мажбурий деб ҳисоблаб, айримларини эса ўзлари танлаб хоҳлаган пайтларда ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашган.

“Курсда ўқиш даврида сизга танлаш имконияти берилса, сизнинг танловингиз?” деган саволга тингловчилар деярли тенг миқдорда ярми курс ичида амалий топшириқлар ва мисолларнинг жойлаштирилишини, ярми эса курсни ранг баранг безатилишини муҳимлигини танлашган.

Ўрганилаётган курсларда нималарни ўзгартириш мумкинлиги ҳақидаги саволга кўпчилик фикрига кўра назарий материалларни камайтириш ҳамда инерактив-амалий топшириқлар салмоғини ошириш лозимлиги керак экан.

“Лавозим вазифаларни бажаришда ташкилот томонидан белгиланган қайси таълим олиш варианты сиз учун қулай ҳисобланади?”. Ушбу саволга 41 % иштирокчи ташкилот томонидан белгиланган курсларни мустақил тарзда






ўқув материалларни танлаб ўрганиш муҳим деб ҳисоблашса, 59 % эса ходим учун ҳамма ўрганиш фаолиятни ходим учун ташкилот белгилаб бериши ҳамда материаллар билан тامينлаши лозим деб ҳисоблашар экан.



Таълим материаллари шакли бўйича берилган савол юзасидан иштирокчилар одамлар билан ишлаш бўйича малакага эга бўлишда текст материаллар, жиҳозлар билан ишлаш бўйича эса видео материаллар энг муҳим деб ҳисобладилар.

Юқоридаги саволлар бўйича айрим жавобларни диаграмма кўринишидагисини ҳам ҳавола қилиб ўтдик.Улар қуйда берилган.

1. Электрон курслар ёрдамида малакангизни ошириш учун куннинг қайси пайти сиз учун қулай?



2.Масофавий таълим олишингизда сизга ишхона қулайми ёки уй?






3. Сизнинг фикрингизча электрон курс вақти қанча бўлиши керак?



4. Курсларни ўзлаштириш жараёнида мобил қурилмалардан фойдаланасизми?





Хулоса: сўровнома натижалари шуни кўрсатадики, ходимлар ўртасида ҳали электрон курслар шакллари ва уларни ўрганиш бўйича кўникмалар тўла шаклланиб бўлмаган, бу иштирокчилар томонидан берилган жавоблардан ҳам маълум. Келгусида электрон курслар орқали улар учун кўпроқ шахсни ривожлантирувчи, ҳозирги замон талабига мос бўлган билим, малака ва кўникмаларни ҳосил қилувчи турли электрон курслар ташкил этиш ҳамда бундай курсларда уларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаш лозим бўлади. Бундай курсларни ташкил этишда бир жиҳатга эътибор қаратиш лозимлиги юқоридаги сўровномани ўтказиш давомида аён бўлди. Бу- ҳар бир ходимни ўзининг хоҳиш, истаклари ҳамда шахсий қизиқишларини эътиборга олган ҳолда индивидуал тарзда электрон курсларга жалб этишдир. Шундагина ўтказиладиган электрон курслар орқали максимал натижаларга эришиш ҳамда пировард натижа сифатидан замон талабига жавоб берадиган малакали кадрлар билан биргаликда корхонанинг равнақини ошириш имкони пайдо бўлади.

